



Товарлар ва хизматларни сотиб олиш учун

**Энг яхши таклифни танлаш бўйича харид қилиш
ҳужжатлари:**

**Тошкент тиббиёт академияси учун Телемедицина
хоналарини ташкил этиш хизматлариини кўрсатиш.**

Буюрмачи: Тошкент тиббиёт академияси

Ахборот технологиялари
маркази бошлиги



А.К.Мусахонов

Бош бухгалтер



А.Ш.Юлчиев

Харид буйича бош мутахассис



Н.Ж.Абдужабборов

Тошкент – 2022 й.

МУНДАРИЖА

I. Танлаш бўйича иштирокчилар учун кўрсатмалар.

II. Танлашнинг нарх қисми.

Танлов ҳужжатларининг шакллари ва аризалари.

Ариза берувчи учун мезонлар.

I. ТАНЛАШ БЎЙИЧА ИШТИРОКЧИЛАР УЧУН КЎРСАТМАЛАР

1	Умумий қоидалар.	1.1	Бу қўлланма Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг “Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 26 майда 3016 рўйхат рақами билан рўйхатдан ўтказилган буйруқларига асосан ишлаб чиқилган.
		1.2	Танлаш ўтказиш мақсади: Тошкент тиббиёт академияси учун мўлжалланган Телемедицина хоналарини ташкил этиш хизматларини кўрсатиш.
		1.3	Танлаш ўтказишнинг чегаравий қиймати 125 650 780 сум ҚҚС билан
		1.4	Таклифда кўрсатилган нархлар чегаравий қийматдан ошмаслиги керак.
		1.5	Сотиб олинadиган маҳсулотлар (товарлар ва хизматлар) учун техник топшириқлар ушбу ҳужжатнинг техник қисмида келтирилган.
		1.6	Танлов комиссияси йиғилишининг шакллари – кундузги
2	Танлаш ташкилотчилари ва манзили	2.1	Танлаш ўтказиш Тошкент тиббиёт академияси (кейинги ўринларда «Буюртмачи») ҳисобланади. «Буюртмачи» реквизитлари: Юридик манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Шифокорлар кучаси , 2 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги

			<p>Ҳисоб рақами: 2340 2000 3001 0000 1010 Банк: Марказий банкнинг Тошкент шаҳридаги ҳисоб-китоб касса маркази ИНН: 201 122 919 МФО: 00014 ОКЭД: 86100 Шахсий ҳисоб рақами: 4009 1086 0262 8070 9410 0054 001 ИНН: 200 845 984</p>
		2.2	<p>Масъул шахс: Мусахонов Аброр Камолиддинович тел.: +(90) 973-16-82</p>
		2.3	<p>Комиссиянинг ишчи органи Тошкент тиббиёт академиясининг Танлов комиссияси (кейинги ўринларда "Ишчи орган" деб юритилади) ҳисобланади. Манзил: Олмазор тумани, Шифокорлар кучаси , 2</p>
		2.5	<p>Танлов буюртмачи томонидан тузилган (камида беш аъзодан иборат) танлов комиссияси томонидан ўтказилади, у танлов учун вақтинчалик комиссия ҳисобланади.</p>
3	Танлов қатнашчилари	3.1	<p>Танловда мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳар қандай юридик шахс, шу жумладан кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин. 4.2 -бандда кўрсатилган юридик шахслар бундан мустасно.</p>
4	Танлов ўтказиш тартиби	4.1	<p>Танловда қатнашиш учун танлов иштирокчиси:</p> <p>а) танлов шартлари билан танишиш учун махсус ахборот порталида жойлаштирилган танлов ҳужжатларининг электрон версиясини олиш (юклаб олиш);</p> <p>б) Танловда камида бир йиллик тажрибага эга бўлган ушбу турдаги ишлар ва хизматларни бажариш ҳуқуқига эга бўлган барча ташкилотлар қатнашиши мумкин.</p> <p>в) Танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ танлов таклифини тақдим этиш;</p>
		4.2	<p>Танловда қуйидаги қатнашувчиларга рухсат берилмайди:</p> <p>қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган ташкилотларга;</p> <p>"Буюртмачи" билан суд ёки бошқа келишмовчилик ҳолатида бўлган ташкилотларга;</p>

			<p>виждонсиз ижрочиларнинг ягона реестрида жойлашган;</p> <p>солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлиги мавжуд ташкилотларга;</p> <p>бир йилдан кам иш тажрибасига эга бўлган ташкилотлар;</p> <p>зарур хужжатлар тўпламини ўз вақтида тақдим этмаган ташкилотлар;</p> <p>Иш ва хизматларни бажариш учун лицензия ва сертификатлар йўқлиги (агар иш тури махсус лицензияни талаб қилса)</p> <p>Юқорида айтиб ўтилган мажбурий хужжатлардан ташқари, иштирокчи ўзининг молиявий аҳволи, обрўси, иш тажрибаси ва бошқаларни акс эттирувчи қўшимча маълумотли хужжатларни тақдим этиш ҳукукига эга.</p>
		4.3	<p>“Буюртмачи” қуйидаги ҳолларда танлов иштирокчисини танловдан четлатиши мумкин:</p>
			<p>иштирокчи буюртмачининг ёки бошқа давлат органининг амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсига, ходимига тўғридан-тўғри ёки билвосита танловда ғолиб бўлиш учун ҳар қандай ҳаракатнинг бажарилишига таъсир қилиш мақсадида ҳақ тўлашни ёки ҳар қандай шаклдаги рағбатлантиришни таклиф қилса;</p>
			<p>Агар иштирокчи қонунни бузган ҳолда адолатсиз рақобат устунлигига ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.</p>
5	Танлов тили, ўлчов бирлиги.	5.1	<p>Иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган танлов таклифи ва унга тегишли барча ёзишмалар ва хужжатлар ўзбек ёки рус тилида бўлиши керак.</p>
6	Танлов таклифи ва уни рўйхатдан ўтказиш тартиби	6.1	<p>Танлов иштирокчиси:</p>
			<p>тақдим этилган маълумотлар ва хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгардир;</p>
			<p>Иштирокчи фақат битта таклифни тақдим этиш ҳукукига эга;</p>
			<p>Иштирокчи таклифларни тақдим этиш</p>

			муддати тугагунга кадар тақдим этилган таклифни кайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳукукига эга эмас.
7	Бошқа шартлар	7.1	Танловда қатнашиш истагини билдирган иштирокчилар, ўтказилаётган танлов ҳақида тушунтириш бериш учун комиссия аъзоларига мурожаат қилиш ҳукукига эга.
		7.2	Танлов комиссияси қуйидаги ҳолларда танлов амалга ошмади деб топиши мумкин: агар танловда битта иштирокчи қатнашган бўлса ёки ҳеч ким қатнашмаган бўлса; агар таклифларни кўриб чиқиш натижаларига кўра, танлов комиссияси танлов ҳужжатлари талабларига мос келмаслиги сабабли барча таклифларни рад этган бўлса;

ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКИДА

№: _____

Сана: _____

Харид комиссияси

КАФОЛАТ ХАТИ

Ушбу хат билан _____ компанияси:
(компания номи)

- 1) аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тўлиқ ижро этганлигини;
- 2) қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида эмаслигини;
- 3) буюртмачи билан судлашиш ёки арбитраж муҳокамаси ҳолатида эмаслигини;
- 4) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарзларга эга эмаслигини;
- 5) имтиёзли солиқ берадиган ва/ёки молиявий операциялар (оффшор зоналарида) ўтказилганда маълумотларнинг ошкор этилиши ва ахборот билан тақдим этилиши кўзда тутилмаган давлатлар ёки ҳудудларда рўйхатдан ўтмаганлиги, таъсисчиларга эга эмаслиги, банк ҳисоб рақамларига эга эмаслигини;
- 6) инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаланлигини тасдиқлаймиз.

Раҳбар ёки ваколатли шахснинг Ф.И.Ш. ва имзоси

Мухр ўрни

ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКИДА

№: _____

Сана: _____

Харид комиссияси

Коррупция кўринишларига йўл қўйилмаслик бўйича
АРИЗА

Ушбу хат билан _____ компанияси:
(компания номи)

1) 1) Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2021 йилдаги "Давлат харидлари тўғрисида"ги ЎРҚ-684-сон Қонуни талабларига риоя этиш мажбуриятини олганлигини;

2) Ҳар қандай ҳозирги ёки аввалги мансабдор шахсга ёки Буюртмачининг ёки бошқа давлат органининг ходимига ишга ёллаш тўғрисида ёки бирорта ҳатти-ҳаракатни амалга оширишга таъсир кўрсатиш, давлат харидлари жараёнида Буюртмачининг бирорта харид тартиб-таомилларини қўллаш ёки қарор қабул қилиш мақсадида хизмат кўрсатиш ёки тўғрисидаги таклиф, ҳар қандай шаклдаги рағбатлантирувни бевосита ёки билвосита таклиф қилмаслик ва бермаслик мажбуриятини ўзига олганлигини;

3) Коррупцияга қарши ҳаракатлар содир этмаслик мажбуриятларини ўз зиммасига олганлигига, шу жумладан аффилиланганлик ҳолатлари аниқланганда;

4) Буюртмачи билан манфаатлар тўқнашувига эга эмаслигини, ижрочини танлаш бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган таъсисчилар ва/ёки ходимлар ўртасида яқин қариндошлик алоқаларига эга эмаслигини;

5) Нархларни ёки танлаш натижаларини бузиш мақсадида бошқа иштирокчилар билан келишувга эга эмаслигини;

6) фирибгарлик, маълумотларни сохталаштириш ва коррупцияни олдини олиш мажбуриятини олганлигини;

7) сохта ёки қалбаки ҳужжатларни тақдим этмаслигини, ушбу лотда иштирок этган аффилиланган шахслар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш мажбуриятини олганлигини тасдиқлаймиз.

Раҳбар ёки ваколатли шахснинг Ф.И.Ш. ва имзоси

Мухр ўрни

ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКИДА

№: _____

Сана: _____

Харид комиссияси

**Ўхшаш товарни (ишлар, хизматлар) етказиб бериш тажрибаси тўғрисида
маълумотлар**

№	Товар (ишлар, хизматлар) моҳиятининг номи	Буюртмачининг номи	Етказиб бериш санаси	Изоҳ

(ваколатли шахснинг имзоси)

ваколатли шахснинг Ф.И.Ш. ва лавозими

Мухр ўрни

ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКИДА

№: _____

Сана: _____

Харид комиссияси

Танлаш иштирокчиси тўғрисидаги умумий маълумот

1	Ташкилий-ҳуқуқий шаклини кўрсатган ҳолда юридик шахнинг тўлиқ номи	
2	Рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақида маълумотлар (рўйхатдан ўтказилган сана, рўйхат ўтказилган рақами, рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)	
3	Юридик манзили	
4	Боғланиш учун телефон, факс, e-mail	
5	Тўлиқ банк реквизитлари	
6	Фаолиятининг асосий йўналишлари	
7	Таъсисчилар (тасдиқловчи маълумотларларни илова қилиш зарур)	

(ваколатли шахнинг имзоси)

(ваколатли шахнинг Ф.И.Ш.ва лавозими)

М.Ў.

Сана: « ____ » _____ 2021 й.

ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКИДА

**ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ ВА МУДДАТЛАРИ, ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ
ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ**

(танлаш моҳияти кўрсатилади)

Сана: (таклифларни бериш санаси ёзилади).

КИМГА: Харид комиссиясига.

Биз, қуйида имзо қўйувчилар, харид қилиш ҳужжатларини умумий ўрганиб ва буюртмачининг барча талабларини ўз ичига олган танлаш мавзуси билан танишиб чиқдик.

Барча талабларни таҳлил қилгандан сўнг, танлаш шартларига мувофиқ хизматлар кўрсатишни таклиф қиламиз (товарлар (ишлар, хизматлар)) номи кўрсатилади:

Тўлов шартлари _____;

Тўлов муддатлари _____;

Товарлар етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш шартлари

_____;

Етказиб бериш муддатлари

_____;

Кафолат шартлари _____.

Сана: «__» _____ 2021 й.

Раҳбар ёки ваколатли шахснинг Ф.И.Ш. ва имзоси

Мухр ўрни

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Хизматлар ҳажми – Тошкент тиббиёт академияси клиникаси ҳудудида жойлашган операция хоналаридан бош ўқув биносига телемедицина ташкил етиш, бунда бинолар орасида оптик толали алоқани ташкил етиш (гб/сек тезлик камида) ва маълумотларни шу канал орқали узатиш (Ип пратасол, ҳд, 4к, 4к ултра) ўрнатилган барча қурилмалар бош ўқув биносидан бошқариш яқинлаштириш, узоклаштириш, катталштириш, кичиклаштириш ва тўлиқ бошқарув хусусиятига ега бўлиши шарт. Бундан ташқари бинолар ўртасида аудио алоқани ўрнатиш. Операция хоналарида қурилмалар ўрнатиш жараёнида операция хоналарига ва операцион қурилмаларга зарар йетказмаслик (йетказилган зарар хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан тўлиқ қопланиши шарт)

Хизмат кўрсатиш қиймати – 1 хизмат учун 125 650 780сўм.

Хизмат кўрсатиш шартлари (даврлари): шартнома тузилган пайтдан бошлаб 2022-йил 31-декабргача.

Хизмат кўрсатиш жойи Тошкент тиббиёт академияси (барча ҳудудларда жойлашган кафедраларга бориб хизмат курсатиш шарт)

Сифат ва ишончлиликка бўлган талаблар: барча эҳтиёт қисмлари сифатли ва янги бўлиши шарт. Хизмат кўрсатилган барча ходимлардан ишни аъло даражада қабул қилиб олганлиги тўғрисида далолатнома тўлдирилиши керак, хизмат кўрсатиш ариза тушган вақтдан бошлаб 20 дақиқадан ошмаслиги лозим

II. НАРХ ҚИСМИ

1	Чегаравий киймати	125 650 780 сўм ҚҚС билан
2	Молиялаштириш манбаи	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
3	Тўлов шартлари	Хизмат ҳақи шартнома тузилгандан сўнг, шартнома миқдорининг 30% олдиндан тўланиши билан амалга оширилади. Якуний тўлов 70% тўлиқ маҳсулот етказиб берилгандан сўнг амалга оширилади.
4	Тўлов валютаси	Сўм - Ўзбекистон Республикаси валютаси
6	Бажариш, етказиб бериш муддати (хизматлар, ишлар)	2022 йил 31 декабргача

Олдиндан тўлов миқдори (%)

Кўрсатиладиган хизмат учун ҳақ шартнома тузилгандан сўнг, шартнома суммасининг 30% олдиндан тўланиши билан амалга оширилади.

Буюртма бўйича хизмат ҳақи имзоланган ҳисоб-фактура, бажарилган ишлар далолатномалари асосида тўланади. Актга ижро ҳужжатлари илова қилиниши керак.

Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) буюртмачи эҳтиёжларига мувофиқлиги (товар белгилари, Давлат стандарти, нав, товар номлари ва бошқалар)